


ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 9 февраль, пайшанба №18 (21.781.) Сотувда эркин нархда.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ



Суратларда: мажлис пайти.

Р. ЖУМАНИЕЗОВ (ЎЗА) олган суратлар.

8 февраль куни Тошкентда Президент Ислам Каримов иштирокида республика Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлди. Вазирликлар, идоралар, давлат қўмиталари, концерн ва уюшмалар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари таклиф этилган мазкур мажлисда 1994 йилда иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилиши ва уларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари

тўғрисидаги масала муносабатларини такомиллаштириш, миллий пулимизнинг харид қувватини янада мустаҳкамлаш, умуман, иқтисодий тартибни барқарорлаштириш борасидаги долзарб вазифалар тўғрисида гапирди.

Республика Бош вазирининг уринбосарлари — «Узистикболстат» давлат қўмитаси раиси М. Шарифхўжаев, молия вазирининг уринбосари Б. Ҳамидов ҳамда республика Марказий банки бошқаруви раиси Ф. Муллажоновнинг муҳокама этилган масала юзасидан

маърузалари тингланди. Музокараларда сўзга чиққан Давлат солиқ қўмитасининг раиси Ш. Гатаулин, Бош вазир уринбосари — давлат мулкни бошқариш ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг раиси В. Чжен, Фарғона вилоят ҳокими М. Исламов, Кимё sanoати концерни раиси Н. Юсупбеков, Бекобод металлургия заводи директори А. Анохин иқтисодий ислохотларнинг жойларда ҳаётга тadbиқ этилиши, sanoатни қишлоққа яқин-

лаштириш, молия интизомини, мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш борасида фикр-мулоҳаза билдирдилар.

Мажлисда республика Олий Кенгаши Раиси вази фасини бажарувчи Э. Халилов, Бош вазирнинг биринчи уринбосари И. Журабеков, Президентнинг давлат маслаҳатчилари, Бош вазир уринбосарлари қатнашдилар.

(ЎЗА).

ЯНГИ ПАРЛАМЕНТ ИШЧИ ГУРУҲИНИНГ БИРИНЧИ ЙИГИЛИШИ

Ўзбекистон Конституцияси ва амалдаги қонунларга мувофиқ Олий Мажлисининг биринчи сессиясини тайёрлаш ҳамда уни ўтказиш, кун тартибига доир таклифларни ишлаб чиқиш, мажлисларда муҳокама қилинадиган ҳужжатларни ҳозирлаш ва бошқа ташкилий тадбирларни сессияни ўтказишга тайёргарлик кўрувчи ва уни ўтказувчи депутатлар ишчи гуруҳи амалга ошириши керак. Жойлардаги депутатлар гуруҳлари кўрсатган вакиллар жумласидан иборат ана шундай ишчи гуруҳ тузилди.

7 февраль куни Олий Мажлис депутатлари ишчи гуруҳининг биринчи ташкилий йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Олий Кенгаш Раиси вази фасини бажарувчи Э. Х. Халилов бошқарди.

Э. Халилов янги сайланган депутатларни чин кўнгилдан табриклаб, ишларида муваффақиятлар тилади, янги парламентнинг аввалги Олий Кенгашдан фарқловчи жиҳатлари хусусида, Олий Мажлисининг ўзига хос услуби ҳақида, Олий Кенгаш тўлаган фойдали ва бой тажриба тўғрисида қисқача маълумот берди.

Олий Мажлис депутати Омон Олимжонов ишчи гуруҳи раҳбари этиб сайланди.

Йиғилишда Олий Мажлис биринчи сессиясининг кун тартибига доир таклифларни ҳамда мажлисларда кўриб чиқиладиган масалаларга тааллуқли ҳужжатларни тайёрловчи кичик тармок гуруҳлари тузилди. Бу тўрт гуруҳ амалга оширадиган аниқ вазифалар белгилаб олинди. Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлари А. Носиров, Т. Жўраев, Д. Фуломова, А. Мирқосимов кичик тармок гуруҳларининг раҳбарлари этиб сайландилар.

Йиғилишда биринчи қақриқ Олий Мажлис биринчи сессиясини ўтказишга ўта масъулият билан ёндошиш муҳим эканлиги бир овоздан таъкидланди. Ишчи гуруҳи аъзоларининг эътибори нафақат тайёрланажак ҳужжатларнинг пишшик-пухталигига, балки сессияга ташриф буюрадиган депутатларнинг самарали фаолият кўрсатишини белгиладиган барча омилларга қаратилиши зарурлиги қайд этилди.

Йиғилиш ишида Олий Кенгаш Раисининг уринбосари Б. Бугров иштирок этди ва сўзга чиқди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕСИНИНГ СЕССИЯСИ

Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг биринчи сессиясининг иккинчи мажлиси бўлди.

Унда Ўзбекистон Президентининг Ислам Каримовнинг халқ депутатлари Навоий ва Тошкент вилоятлари Кенгашларининг сессияларида ҳамда шу йил 18 январь куни Тошкентда ўтказилган мажлисда сўзлаган нутқларида уртага қўйилган вазифалар муҳокама этилди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Уббиниев Аширбеков шу ҳақда маъруза қилди.

Маърузачи ва музокараларда сўзга чиққанлар Қорақалпоғистонда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, кадрларни танлаш, жой-жойга қўйиш ва тарбиялаш, аҳолини зарур озиқ-овқат ва истеъмол моллари билан узлуксиз таъминлаш, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, қишлоқ хўжалигини кескин ривожлантириш асосида маъсулот етиштиришни кўпайтириш, sanoат корхоналарининг бир маромда ишлашига эришиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Сессияда ташкилий масалалар қурилди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси бўлиб ишлаб келган Ражаббой Йулдошев сессияда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг уринбосари этиб сайланди.

Амударё тумани ҳокими лавозимида ишлаётган Бахром Жуманиёзов Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси этиб тайинланди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазир А. Муталов нутқ сўзлади.

(ЎЗА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, НАФАҚАЛАР ВА СТИПЕНДИЯЛАРНИНГ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

1. 1995 йил 1 мартдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида: иш ҳақининг энг кам миқдори — ойига 150 сўм; меҳнат пенсиясининг энг кам миқдори — ойига 430 сўм; фуқароларнинг солиқ олинмайдиган даромади — ойига 200 сўм; ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулли) разряд — ойига 300 сўм этиб белгилансин.

2. 1995 йил 1 мартдан бошлаб иш ҳақининг ҳозир амалда бўлган миқдорлари биринчи разряддан бошлаб ва пенсияларнинг барча турлари, миқдорлари, энг кам пенсиядан ташқари, ойига уртача 350 сўмга оширилсин, уларга аҳолига туланадиган 150 сўм миқдоридagi компенсация туловлари киритилсин.

3. Стипендиялардан даромад солиғи олинмаслигини назарда тутиб, 1995 йил 1 мартдан бошлаб олий ўқув юртлири талабалари, урта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртлири ўқувчиларининг стипендиялари асосий миқдорлари 300 сўмга (150 сўм компенсация ҳисобига олинган ҳолда) оширилсин.

4. 1995 йил 1 мартдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси аҳолисига бериладиган хар ойлик компенсация туловлари бекор қилинсин.

5. 1995 йил 1 мартдан бошлаб: бола икки ёшга тулгунга қадар уни парвариш қилиш бўйича оналарга бериладиган нафақа ойига 250 сўм миқдоридa; болалиқдан ногиронларга бериладиган нафақа ойига 400 сўм миқдоридa; зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ва меҳнатга лаъқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 300 сўм миқдоридa белгилансин.

6. Энг кам иш ҳақиға фоиз нисбатидa ҳисоблаб чиқиладиган иш ҳақиға устама ва қўшимчаларнинг барча турлари, шунингдек, болали оилаларга бериладиган нафақа ва бошқа туловлар 1995 йил 1 мартдан бошлаб мазкур Фармон билан

белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб амалга оширилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бюджетдан маблағ билан таъминланадиган ташкилотлар ва муассасалар мазкур Фармондан келиб чиққан ҳолда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва ходимларнинг лавозим маошлари миқдорлари уз вақтида қайта ҳисоблаб чиқилишини таъминласинлар.

8. Бюджетдан маблағ билан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотлар ходимларининг иш ҳақини, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларни ошириш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика давлат бюджети ва ижтимоий сугурта жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

9. Хўжалик ҳисобидaги корхоналар ва ташкилотлар иш ҳақи миқдорлари оширилишини энг кам иш ҳақининг мазкур Фармон билан белгиланган оширилишини таъминлаган ҳолда уз даромад манбалари ҳисобидан амалга оширилсинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 31 августдаги ПФ-940-сон ва 1994 йил 31 октябрдаги ПФ-976-сон Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 16 июндаги ПФ-871-сон Фармонининг 1-банди туртинчи хатбоши (нафақалар миқдорига оид қисми) уз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Вазирлар Маҳкамаси ун кун муддатда мазкур Фармонни амалга ошириш бўйича қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1995 йил 7 февраль.

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФ ХУСУСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Корей Республикаси Президенти Ким Ен Самнинг таклифига биноан шу йил 15 февралдан 17 февралга қадар давлат ташрифи билан Корей Республикасида булади.

ДИПЛОМАТИЯ МУНОСАБАТЛАРИ ЎРНАТИЛДИ

Икки томоннинг келишувига мувофиқ 1995 йилнинг 16 январь куни Ўзбекистон Республикаси билан Словения Республикаси уртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот шўбаси.

Айтишларича, қадимий меъморлик — қотиб қолган музика эмас. Бу музикаий оҳанглари замонашларга етказиш, қадимий усталар барпо этган маданият ёдгорликларининг ажойиб уйғунлашсини кўрсатиб бериш осон вазифа эмас. Уни ёдгорликлар моҳиятини чуқур тушуниш, ана шу ишларини уз ҳаётининг моҳияти деб билган кишиларгина ундай олади.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, Беруний номидаги ва Ҳамза номидаги давлат мукофотлари совриндори Галина Анатольевна Пугаченкова ана шундай инсондир. Марказий Осиё халқлари маданияти кўп жиҳатдан шу инсон фаолияти туфайли жаҳон бадий меросининг олтин хазинасидан жой олди. Санъатшунослик доктори Г. Пугаченкова узининг бутун ҳаётини Марказий Осиё халқлари маданиятига тадқиқ ва тарғиб этишга бағишлади. У кўп мамлакатларда нашр этилган 600 дан ортиқ илмий иш муаллифи, Ўзбекистон санъатшунослик экспедицияларининг ташкилотчиси, Марказий Осиёдаги ягона ҳисобланган маданият тарихчилари мактабининг асосчиси. Унинг бу хизмат-

лей йиғилишида топширилди. Ўзбекистон Фанлар академияси раёсатининг катта залида уюштирилган тантанавар республиканинг таниқли фан арбоблари, вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, Германия, Ҳиндистон, Россия, Франция ва Япониянинг Ўзбекистондаги фавкулдада ва мухтор элчилари иштирок этишди. Йиғилишни республика Фанлар академияси президенти Г. Пугаченкова мукофотлаш тўғрисидаги Фармонини ўқиб берди, олимани шонли сана билан самимий табриклаб, унга юксак мукофотни топширди.

Сўнгра сўзга чиққан Франциянинг Ўзбекистондаги фавкулдада ва мухтор элчиси Жан-Поль Везан юбиларга самимий хурматини, унинг кўп йиллик самарали

риклади. Тўпланганлар академик Г. Пугаченкова илмий фаолиятини давом эттираётгани, Ўзбекистондаги олимларнинг бутун бир авлодига мураббий эканини мамнуният билан таъкидладилар. Йиғилишда унга турли давлат, илмий ва жамоа ташкилотлари номидан табриқномалар топширилди.

— Ўзбекистон менинг тақдирим бўлиб қолди, — деди пировардида Галина Анатольевна. — Менинг кўп йиллик ишимни юксак давлат мукофоти — «Дустлик» ордени билан тақдирлаган республика раҳбариятидан миннатдорман. Ўзбекистондаги касбдошларим ва шоғирдларим орасида турли миллат вакиллари бор. Улар шу ерда уз истеъдодларини ривожлантириш ва рўзга чиқариш имкониятига эга бўдилар. Бундай шароитда тагин ҳам яхшироқ ишлагини келадим — фаолиятимни давом эттиравераман, хали амалга ошириладиган режаларим кўп.

А. ИВАНОВА, ЎЗА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН - МЕНИНГ ВАТАНИМ

денти вази фасини бажарувчи Ж. Абдуллаев очди. У Марказий Осиё меъморлик, тасвирий ва амалий санъат тарихи, қадимий ва урта аср бадий маданиятининг жулда кўп муҳим муаммоларини ишлаб чиқишга Г. Пугаченкова улкан ҳисса қўшганини таъкидлади.

Республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Жураев Ўзбекистон Президенти Г. Пугаченковани касбдошлари, дуслари, кўп сонли шоғирдлари самимий таб-

АКАДЕМИК ГАЛИНА ПУГАЧЕНКОВА:

ХДП ҳаётидан

ИШ СЕВАРНИ ЭЛ СЕВАР

Жамиятимизда юз бераётган ислохотлар ҳеч қимми бекфарқ қолдираётгани йўқ. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Касби туман кенгаши олиб бораётган тадбирлар ҳам ибратлидир. Туман кенгаши фаоллари маҳаллий ҳокимият билан ҳамкорликда йилнинг илк ойида талай ишларни амалга оширди.

Барча ҳужаликларда бош мутахассислар ва бригада бошлиқлари билан мулоқотлар ўтказилди. Мазкур урғуларнинг моҳияти юртбошимизнинг ҳозирги кундаги сивбатидан келиб чиққан ҳолда ҳужалик ишларини юритишга бағишланди. Мавжуд муаммоларни бартараф этиш кун тартибидagi биринчи масала экани ҳақида гап борди.

— Фаолларимиз туманимиздаги иқтисодий аҳволга, аҳолининг турмуш тарзига, маданий-маърифий ҳаётига бекфарқ қарамаётдилар. — дейди туман партия кенгаши йуриқчиси Қудрат Мавлонов.

Дарвоқе, ХДП туман кенгашининг ташаббуси билан халқ таълими соҳасида қатор узғаришлар юз беряпти. Купрок мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари ходимлари билан учрашувлар ўтказишга эришилди. Шу кунгача «Галаба», «Москва», Шароф Рашидов номи ҳужаликлар ҳудудидаги мактабларда бўлиб ўтган йилги ишларда уқув йилининг биринчи ярми юзасидан мактаб директорларининг ҳисобот ва ахборотлари тингланди. Навбатдаги вазифалар белгилан олдинди. Шунингдек, уқув даргоҳларида «Бугунги куннинг ўқитувчиси ва уқувчиси қандай бўлиши керак?» мавзусида баҳс-мунозарали суҳбатлар уюштирилмоқда.

Узаро иш урганиш ва тажриба алмашиш яхши йўлга қўйилган. Мавлон Жовиев, Эргаш Жабборов, Насрулло Жалолов номи мактабларнинг илгор тажрибалари, — мактаб, маҳалла ва ота-оналар ҳамкорлигига бағишланган мажлислар ўтказиш оммалаштирилмоқда.

Шундай тадбирлар пировардида кенгайтирилган семинар ўтказилди. Унда бошланғич ташкилотлар, ҳудуд ва цех партия ташкилотлари котиблари иштирок этишди.

Семинарда Республика Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашларга ўтказилган сайловлар яқини, ютуқ ва камчиликлар ошқора, чуқур таҳлил қилинди. Ҳали муаммолар бор экан, қилинажак ишлар ҳам бир талайдир.

Илҳом ҚАРОМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ХДП аъзосининг маънавий олами

ҚАЛЬ СУРУРИ

«Мен СССР фуқаросиман, СССР — менинг ватаним» деган тушунча онимизга сингиб кетган экан. Чунки, боғчага борганимда «СССР — менинг ватаним»ни ўргатдилар. Мактабга бордим, «Совет паспорти»ни ёллатдилар. Ҳарбий хизматга бордим, «Бепоен улкам»ни қуйлатдилар. Боши ҳам, охири ҳам менга унчаллик аниқ бўлмаган бу бепоен улқа бугунга келиб парчаланиб кетди. Қўплай мамлакатлар уз ота-боболарининг асл ватанига уз меросий ҳудудига эга бўлди. Биз ҳам мустақил бўлиб, боболаримиз ватани, Туркистон улқаси, Турон диеврида янги ҳаёт бошладик. Қирқдан утиб, элликка кириб, бобо бўлгач, уйлаб курсам, менинг ватаним узоқда эмас, шу яқин орада экан.

Яқинда қабристонга бордим. Қайтишда орқада қолиб, озорок дам олиб, пастга, қилшоққа разам солдим. Узоқда дарё, пахта майдонлари, уйлар, тутун чиқаётган мурилар кўриниб турибди. Катта кучада болалар чана учтишмоқда. Битта шалланг қўлоқ ит эса болалар орқасида югуради. Бу манзара юрагимга шунчалик яқин, танишқин, лекин унинг нима эканлигини тушунолмадим. Балки болалигимни кўргандирман...

Фикр юритаман, уй сураман... Ҳа, ҳа... Энди тушуниб етдим. Ахир, бу дарё, бу кутарилаётган ерлар, қабристон, қирлар, ҳатто ана у гузапоя босилган бостирма ҳам менинг ватаним-ку! Бобомнинг улқаси-ку.

Хар хил дориво-заҳарларга туйинган, ҳансираб ётган бемор ерлар, ҳавоси аччиқ осмон, суви ичишга яроқсиз арик, дарёлар ҳаммаси, ҳаммаси менинг, улгимнинг ватани-ку!

Шунчаликча бориб етибмиз-а? Ахир, биздан узбекни дунёга танитган алдомалар чиққан-ку. Боғ-роғларимиз гулдаб, бола-чақаларимиз хасталиқни билмай, уйнаб-қулиб юрган замонлар булган-ку. Ҳаёт бюрократ бошлиғи, юлғич олиб-сотарлардан иборат эмас-ку. Тугри, ундайлар ҳам биз билан ёнма-ён яшамоқда, бир ҳаводан нафас олмақда. Майли, «Бузоқнинг юзургани сомонхонагача» деб халқимиз бекорга айтмаган. Ким халқ учун, ким чўтгак учун жон куйдираётганини ҳамма кўриб-билиб турибди. Президентимиз фуқароларни ҳар томонлама ижтимоий ҳимоялайдиган қатор фармон, қарорлар чиқарди. Фақат биз энди бир тан, бир жон бўлиб, ҳамфикр ва ҳамжihat бўлиб ишлаганимиз, бир-биримизни қўлаб, бюрократу юлғичларга қарши курашишимиз керак. Тарихдан маълумки, асосий мақсадга эришиш учун нафақат маслақдошлар, ҳатто рақиблар ҳам бирлашганлар. Бир-биримизга меҳр-оқибатли бўлмасак, порлоқ келажакимизга ишонч билан қарамасак ҳаётимизда узғариш бўлмайди.

Шу замин, сув, ҳаво бизники. Шу заминда болаларимиз яшайди. Кун сайин Ватан деган тушунча юракларимизга чуқурроқ урнашмоқда. Хориждаги ҳамюртларимиз ватан деб оламдан утиб кетмоқдалар. Улар она тупроқни упишга ҳам зорлар. Бу муқаллас тупроқ эса бизнинг оқларимиз остида. Унинг қадрига етайлик! Хорижликлар ота-боболаридан қолган кўнжа деярлик, даракларини суратга олиб, уйлари деворларига осиб қуйишади. Биз эса дарахларни қолиб еқямиз. Елкашоб бўлиб, қулин-қулга бериб ишлайди, яшайлик. Ер-сувимишни асрайлик, ватанимиз кудратини опирайлик. Болаларимиз юрагига ватан туйғусини жо қилайлик. Бунга фақат тинчлик ва меҳнат билан эришиш мумкин. Шундай қилайликки, қирларимиз гулгара, боғларимиз мевага тулсин. Болаларимиз шоду хуррам уйнашсин, тухин-сочинлик бўлсин. Хар биримиз узимиздан бир из, ёлдорлик қолдириб, ҳаёт напидасидан баҳраманд бўлайлик.

Элмурод РАХИМОВ, Навоий вилояти Наҳабор тумани, Қалқонота қилғи.

Илгариги даврлардан бери ҳар гал Янги йилни алоҳида умидлар, ширин туйғулар билан кутиб олиш одатга айланган. Ҳамма Янги йилни эзгу ниятлар билан, юртга туклилик, тинчлик, ер-биродарларга омонлик, соғлиқ тилаб қарши олишга одатланган. Лекин, мен 50 йилдирки, яна бир ният билан Янги йилни кутаман — газета-журналлар обунаси салмоқли бўлсин, дейман. Бу аввало, газетани ҳаммасабларим меҳнатининг сермахсуллиги, аҳволи тукислиги ташвишида бўлса, қолаверса, бизнинг матбаа корхонамиз ҳам асосан нашрлар тиражига қараб ишни режалаштиради. Тугри, илгари бу ҳақда ортқча қайғурна ҳолат ҳам йўқ эди. Обуна юқори идоралар орқали қатъий тақсимот асосида амалга оширилди. Ҳозир эса вазиёт бутунлай ўзгача. Бу йилги обунанинг умумий даражаси, мисол учун бундан 56 йил олдингига нисбатан 30—50 марта қисқариб кетди. Бу дегани уни чоп этиш жараёнида банд бўлган ишчи-хизматчилар сони ҳам шунга яраша бўлиши мажбурийдир. Бозор иқтисодиётини рўқач қилиб, унда энди ишсизлар бўлиши мумкинлигини айтиб юзлаб ишчини бўшатиб юбориш мумкин эди. Бунинг учун бизни ҳеч қим айландирмади. Лекин дунда инфо-дизанет, кабеллошлик-елкалошлик каби меҳр-оқибат ришталари ҳам борки, у ҳамма нарсалардан устун туради, бу бунди номи едда турган. Шунинг учун биз одатдагидан бошқа йўлни талладик.

Ислохот одимлари

ЗАМОН ШИТОВИГА МОС КЕЛСА...

Минда бу маҳсулотларга бўлган эҳтишми тула қондириб мумкин эди. Бунинг учун бизда етарли юксак мезонга дош бера оладиган замоний полиграфист бўла бора.

Концернинг Бош таҳририяти тугрида алоҳида гапиришга тугри келди. Илгари нодарвий нашрлар бўлими сифатида йилга 1,2-3 совгабоп китобчлар чиқаришга мумкин бўлган таъриқчи бозор таҳририяти мақомида олди. Унда тайёрланган асарлар эса кенг уқувчилар учун ажойиб тўхфа бўлмоқда. Утган йилги ўзбек адилбларининг асарларини қаттиқ мақовала, ялтироқ жилда, сифатли қилиб чоп этишни бошладик. Тоҳир Малякиннинг «Шайтанат», Озод Шарофидиннинг «Ичак узди ҳангоҳлар» китоблари, Явдот Илесовнинг «Судисна» тарихий асари, «Нур» ижодий бирлашмаси билан ҳамкорликда Утқир Қошимовнинг икки жилдлик «Сайланма»си шулар жумласидан. Янги йил кунлари болалар учун «Шарқ халқ эрталоқлари» китоби ажойиб безакда чоп этилди. Уйлаймиқки, у болажонларимиз ва уларнинг ота-оналари учун ҳам муносиб совга бўлади. Куникча истеъдодли эзувчи Тоғай Муроднинг 4 қиссадан иборат «От қишанга оқшом» китоби қаттиқ муқовада босилиб чиқди. Тез орада, унинг яқинда Абдулла Қодирий номидаги Давлат муқофоти олган «Отамдан қолган далалар» романи ажойиб безаклар билан уқувчиларга тақдим этилади. Юшмоқ муқовада ҳам бир талай китоблар чиқардикки, уларнинг қўллари қўлмақчи уқилипти. Шу тунда мен Бош таҳририятимиз томонидан кейинги икки йилда тайёрланиб, куп нусхада нашр этилган «Истиклол фидоилари» туркумилиги китобларга алоҳида эътибор бермоқчиман. Шу туркумда ўзбек маърифатпарварлари, мустақилликнинг асл пойдеворини уша кезлардақ яратиб кетган адилблар ҳақида бир қатор асарлар чиқардик. Мунаввар Қорай, Маъмулхужа Бекбулди, Сиддиқий-Азжий, Фитрат, Чуплон, Отажон Ҳосин, Усмон Носир, Исҳоқжон Ибротлар тугридаги китоблар шулар жумласидандир. Бу китоблар ҳақида уқувчилардан илиқ фикрлар олаемиз. Бу китоблардан хойларлар дарслик урнида фойдаланишга тугрида ҳам хабарлар келимоқда. Чиндан ҳам уларни мактабларнинг юқори синфларида, олий мактабларда қўлланма сифатида фойдаланиш тугрида Олий таълим ва Халқ таълими вазирлигидан уйлаб курсалар, фойдалан холи бўлмади.

Янги йилдаги муҳим ишларимиздан бири «XX аср ўзбек романи» деган туркумга кирган китобларнинг чоп этилмоқдаси. Унда замон силсиларида ўз қадри ва қадриятини йўқотмаган, уқувчиларнинг қалбидан чуқур жой олган бебаҳо китоблар жамланган. Туркум буюқ адиб Абдулла Қодирийнинг «Утган кунлар» романи билан бошланғичек бу иш нақадар жиддий ва аҳамиятли эканлигини билдиради. Аини пайтда эса ижодкорларни ҳам унутмаганимиз йўқ. Бу йил 10 қоғли эш ширининг янги китобларини «Умид» туркумида чоп этаемиз. Умуман, яқинда Бош таҳририят техника базасини ташкил этиш, ҳамма

тадбирларнинг компьютерлаштириш тадбирларини амалга оширди. Бу эса китоб чиқариш жараёнини, шубҳасиз тезлаштириш ва унга аниқ сифат, туркумлиқ бахш этади. Гап компьютерларга бориб тақалганда шунга ишга керакки, утган 1994 йилнинг газетачилиқда ушга р ҳо ҳолат — ҳарф териш ва саҳифалаш жараёни тугридаги компьютерлаштириш. Бу жараёнини иқтисодий омили қилди. Лекин ундан ташқари синчов газетон эътибор қилган бўлса керак: газетларнинг полиграфист ижроси кўркулмашиди, бадиий безашнинг мураккаб жараёни янада тулароқ сайқал топди. Энг муҳими, матбаа техника жараёнида ишлатишга мажбур бўлган қурошундан балом кутилдик. Натияжада йиллар давомида экологияга нисбатан бўлаётган зарарли таъсирга барҳам берилди. Бу технология жараён янги йилдан китоб ва журналлар ҳақларини териш, саҳифалашга ҳам жорий этилмоқда.

«Бозор иқтисодиётининг қонуниятлари ва талаблари гари қаттиқ шафқатсиз бўлса-да, одамларни унумли меҳнат билан шугулланишга, ҳаммининг ушга топиришлар иш учун, одамлар тақдирини учун тула маъсулиятни ҳис қилишни тақозо этади», деган эди Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Абдуғаниевич Қаримов 1994 йил 29 июлда Вазирлар Маҳкамасида бўлган иқтисодий йилгишда. У яна бир бор ишнинг янги илгор усулларига теъорик ва далилик билан ишга, янги технологияларнинг жорий этишга, ишлаб чиқаришнинг бариша соҳасида купрок иқтисодий самараларга эришишга чарқиди. Бу тула маънода бизнинг концерн фаолияти учун ҳам муҳим дастур бўлиб қизмат қилмоқда.

Этиборли ширинимиз Эркин Воҳидов бир шеърда «Замон шитови тез, парвози тикка» деб ёзганди. Чиндан ҳам ҳозирги шитови замонда унингшунга ташаббуси басма-бе-семадан ишлаб, шитовига монанд ишлаб оладиганларига эртага элурт олади, виждон олдига элурт юзлик була олади. Бу эса суҳбатимизда қайта-қайта айтилаётган ва яна айтажажак бир ҳақиқатни эсла-тади. Фақат сидқидил, ҳалол, фидойи, маъсулиятли меҳнатчи иш-чинини муродига етказишдир. Умуман, 1994 йилда концернда ишлаб чиқариш ҳажми тармоқларда қуйил-дагича даражани эгаллади: газета

ва журналлар босиш бутун ишлаб чиқариш ҳажмининг 14,7 фоизини, китоб-журналлар 32,6 фоизни, ерликлар 25,5 фоизни, турли қоғоз бланкалар чиқариш 1,7 фоизни, турли халқ истеъмоли моллари 2,2 фоизни ташкил қилди. Амалга оширилган ишларни янада аниқроқ тасав-вур этишининг учун мен уларни сўмга чақиб баён қилай. Жами утган йилги 58,2 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Жумладан, газета 7,4 миллион сўмлик, китоб 19,2 миллион сўмлик, ерликлар 9,1 миллион сўмлик, ҳар хил қоғоз-бланкалар 10 миллион сўмлик ва ҳоказо. Умумий фойда 41,6 миллион сўмни ташкил қилди. Барча ишлаб чиқариш фаолиятининг 30,5 миллион, китоб нашридан 11,1 миллион сўм фойда олинди. Натияжада концернинг мустаҳкам мо-

да ишлаб чиқариш майдонидан омилиқлик билан фойдаланишмоқда. Илгор технологияни жорий этиш натижасида бўшаб қолган майдонларда амалий нафи купрок тегадиган иш уринлари очилмоқда. Илгариги фотонабор ва корректура бую-нини урнида чет эл фирмалари билан ҳамкорликда қўшма корхоналар ташкил этилмоқда. Бўшаб қолган биноларимизни таъмирлаб саноат моллари, озиқ-овқат ва китоб дуконлари очилди.

Соёбик газета экспедицияси биносида касса аппаратлари, компьютерлар, элекрон мосламалар йилгидиган Ўзбек-Америка қўшма корхонаси қойилди. Маълумки, газета ва журналларнинг тиражлари камайиши, даврийлигининг қисқариши уларда ишлаётган ходимларнинг ҳам озайишига олиб келди. Бу

ишлаб турибди. Тижорат ва тадбиркорликдан тушган валюта маблағлари концерн ишлаб чиқаришини ривожлантириш, янги илгор усуллар, маҳсулотларимизни дунёга таллаблари даражасига кутариш учун чет эл мамлакатларининг узидан ҳам аше, матбаачилик материаллари сотиб олишга, ишлаб чиқаришининг барча жаҳаларини модернизациялашга, концерн матбаа базасини жаҳон андозларига мослаб, бозор широнлари талабларига жавоб берадиган куп турли босма маҳсулотлар ишлаб чиқаришга, меҳнатқиларимизнинг ижтимоий ва моддий эҳтижини етарлиққа қондиршга сарфланмоқда.

Бу муҳим ва савобли ишлар, чунг ташвишлар орасида оддий меҳнатқил инсон унутилиб қолмаётганини ўзини учун моддий-маънавий широнлар қандай, деган савол тугрилиш табиий. Таъбир жоиз бўлса, бу ишларнинг барчаси ишчи-хизматчиларимизнинг ҳозирги мураккаб пайтда туриш-турмушига бироз бўлса-да енгиллик, нур киритиш иштиқидига сазй-ҳаракатлардир. Янги икитга уй қўрғимиз, унинг 90 хонадонга мўлжалланган биринчисига шу йил фидойи ходимларимиз кучиб қирқиди. Уз санаторий-профилакторийимиз бор. Унда ишчи-хизматчилар дам олишади, сийҳат-саломатликларини тиклашади. Азим Чимен тоғлари ёнбағрида дам оладиган қўркам оромгоҳимиз бор. Фарзандларимиз учун ажойиб, серфайи оромгоҳлар ҳам мавсумда муҳайе этилади. Концернинг узидо офисна, кафе, қойхона, дуконлар, новвоёна, сартарошхона, меҳнатқил, омонат касса шохобчаси, ҳаммомсауна, пойабал устонахонаси ишлаб турибди. Буларнинг барчаси ишчи-хизматчиларимиз ташвишини енгиллаштириш, рўзғори бут бўлиши учун қилинаётган савобли ишлардир. Зеро, кунгли туқ, онласида хотиржамлик бўлган ишчи астойдил, юракдан ениб меҳнат қилиш ҳеч қимга сир эмас. Назаримда, корхона ишлаб чиқариш ривожининг муҳим омилларидан бири — мавжуд мустаҳкам дустлик, бирдамлик, хотиржамликдир. Курсатил-лаётган гамурликлар эса унинг шукронасидир.

Концернимиз «Ўзбекистон ҳаво йуллари» авиакомпанияси, Тошкент авиация бирлашмаси, «Ўзбекистон темир йули» давлат компанияси билан муассисликда низомий жамғармаси 5 миллион сўм бўлган «АВЭК» трансконентал корпорациясини тугзан. Ўзбек Британия қўшма корхонаси «Ўзбексервекс» эзининг хизмати билан менимча тошкентликларга таниш. Купчилик унинг ҳужжатларини нусха қилиш бобидаги юксак сифатли хизматидан баҳраманд бўлган бўлса керак. Унинг шохобчалари нафақат вилоятларимизда, балки кўпчилик Туркманистонда ҳам иш бошламоқда. У ҳозир МДХ давлатлари ичидида энг илгор, маҳоратли нусха олувчи фирма сифатида тан олинди. «Ренк Серекор» фирмасининг олтин нишонига сазовор бўлган.

Шунингдек, концерн таркибидо тижорат банки очилиб буйича зарур ишлар олиб боришмоқда. Тижорат банкини «Знекор» деб атамоқчимиз. Унинг мақсади матбуот ва матбаани маблағ билан қўлаб-қувватлаб туришдир. Бу соҳадаги мураккабликларни, айнисқа, газета-журналлар фаолиятидаги доимий маблағ етишмаслигини эътиборга оладиган бўлсак, банк қанча тез ишга туширилади, шунча яхши бўлади. Яқинда «Шарқ» тижорат марказимизнинг автомашиналар сотадиған янги дуконини иш бошлади. Унда асосан узоқ чет эл мамлакатлари машиналари келтириб сотилади. Яна бир неча супермаркет дуконлар қуриб битказилди. «Ал-Фаросат», «Нафосат», «Ҳамса», «Афросиеб» қўшма корхоналари ҳам

Келаси йили — 1996 йил 21 мартда корхонамиз ташкил топганлигининг 75 йилдини нишонланади. Бу санани концернимизнинг барча тармоқлари ишчи-хизматчилари муносиб меҳнат ютуқлари билан кутиб оладилар деган умиддамиз. Ҳозир бу санани нишонлаш буйича барча ташкил ишлар бошлаб юборилди. Аминманки, ҳар бир ишчи, ҳар бир инженер-техник ходим, ҳар бир ижодкор бу туйга аввало меҳнатда узини кўрсатиб тарихий санани муносиб совғалар билан кутиб олади. Чунки, улар уз корхонаси билан фахрландилар, унинг шаъни-шарафини учун жон куйдирадилар.

Биз чинакамгина таъйирларликларни қўраётган сана узбек миллий матбаачилигининг ҳам байрамидир. Чунки корхонамизнинг 75 йилдини тарихи Ўзбекистон матбаачилигининг қад рўстлаш, юксалиш, равнақ топиш ва воғая етиши тарихидир. Бунга ҳамма чин дилдан ҳис этади, унга муносиб ҳисса қўшишга интилади.

Ислом ШОҒУЛОМОВ, «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни кенгаши раиси.

Қаловини топганлар

Ўзбекистон электр-техника асбобсозлик саноати концернида қарашли «Эталон» ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолияти ҳақида гап кетганда биронта ишчи-хизматчи уз корхонасига нисбатан муносабатини билдирмасдан қолмагани бизни мамнун этиди. Тугри-да, бирлашма аҳли дилидаги эзгу ниятлар бесамара кетмаётганини эътироф этиш қандай яхши! Бирлашма бош муҳандиси Зиевуддин Зайниддинов ҳам бундан мустасно эмасди. — Аввал бирлашмамиз фаолияти, ишчи-мутахассисларнинг самарали ишлари оммавий ахборот воситалари томонидан деярли ёрилмасди, — дейди у. — Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, «ейик» корхонадан «очик»-қа чиқдик. Аини пайтда бирлашма ва унинг вилоятлардаги филиалларига турли улчов асбоблари созиламоқда. Жумладан, бозор тарозиларидан торғиб мураккаб электрон тарозиларгача — барчаси созилади. Янгилари монтаж қилинади. Улчов идишлари ва тарози топшири ҳам шу ерда ишлаб чиқарилади. Махсус идишларга не-фит маҳсулотлари микдори-рини улчанишга асқотадиган метр-шпоқларга, айнисқа, эҳтиёж катта. Биз эртанги кунимизни юртбошимиз қайта-қайта таъкидлаётганлиқидек, хорижий мамлакатлар билан

кам бўлмаяпти. — Мен уз ишим пировард натижасидан мамнунман, — дейди илгор ва тажрибали ишчи Вера Петровна Букова, — бирлашма маъмурияти ишда унум бўлиши учун куп ҳаракат қилди. Мутахассисларга унумли меҳнат қилишларига қулай широнлар яратиб берилган. Иш вақтида фақат ишимиз натижалари ҳақида бош қотариётганлигимиз тугрилайи режалар бажар

кам бўлмаяпти. — Мен уз ишим пировард натижасидан мамнунман, — дейди илгор ва тажрибали ишчи Вера Петровна Букова, — бирлашма маъмурияти ишда унум бўлиши учун куп ҳаракат қилди. Мутахассисларга унумли меҳнат қилишларига қулай широнлар яратиб берилган. Иш вақтида фақат ишимиз натижалари ҳақида бош қотариётганлигимиз тугрилайи режалар бажар

ЮК ЕРДА ҚОЛМАЙДИ

тирилган. Бош муҳандис камтарлик қилиб, айтишни лозим топмаган бир қанча маълумотлари бошқа манбалардан билиб олишга ҳаракат қилдик. Жумладан бирлашма утган ҳужалик йилни яхши натижалар билан якунлаб, режа 124 фоиз бажарилди. Соф даромад улшин 1 миллион 785 минг сўмни ташкил этган, бу бурноқи йилдагига нисбатан бирмунча дуруст курастик экан. Иқтисодий қийинчиликлар руй бераётган ва купгина ишлаб чиқариш корхоналаридо четдан хом аше келтириш қамайганлиги сабабли пгтатлар қисқаретган бир пайтда «Эталон» бирлашмаси ва жамоа аъзолари ижтимоий муҳофаза қилиниб, маопни қутайтиришига эришилмоқда. Ҳозирги пайтга келиб, уртгача ойлик 700 сўмдан

риб келинади. Илгари корхона етиқ бўлгани учунини, ҳар ҳолда бу ерда ишлаб чиқарилаётган турли бурғич (отвертка)лар, қўл соатлари учун занжир камарлар, радиоприемниклар антенналари, телевизорлар учун зарурий қурималар ва бошқа маиний-рузгор буюмлари биз учун янгилик бўлиб туюлди. Халқимизда қаловини топсан қор енади, деган нақл бекорга айтилмаган бўлса керак. Ишчи-хизматчиларга қўшимча янги иш уринлари ташкил этиш, ҳақиқий даромадларини ошириб бориш, саломатликларини муҳофаза қилиш, улар манфаати учун жонбозлик кўрсатиш сингари ҳаётги муҳим масалалар бирлашма раҳбариятининг диққат-марказидан тушмаётганлигига жамоа аҳли кутаринки



Кейинги йилларда Маржонбулоқ тикувчилик фабрикаси жамоаси бозор иқтисодиётига широнларининг мураккаблигига қарамай бир маромада ишлаб турибди. Ойлик ва йиллик режалар орғини билан удаланаётган. Бунда албатта илгор тикувчиларнинг ҳиссаси катта. Айнаисқа, Соҳиба Муродова, Меҳринисо Эсирғопова сингари чевадар қорхонанинг фаҳрига айланб қолганлар. Улар уз режаларини орғини билан бажариб туришмоқда. Шунингдек қўплай илгорлар ҳам таъйирлашмоқда. Суратларда: 1. Фабриканинг илгор тикувчиси Соҳиба Муродова. 2. Пенқадам чевадар (олдинги қаторда) Меҳринисо Эсирғопова. У кунига 20 та хотин-қизлар қўйлагини тикиб бермоқда.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган суратлар.



Абдунаби МАННОПОВ, Мирбахтиёр МИРҒАБИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари.

МЕН ЖАҲОНДИН КЕЧТИМУ КЕЧМАС МЕНИНГ ЖОНИМДИН ЭЛ, МЕН ИЛИГ ЖОНДИН ЮДУМ, ЧЕКМАС ИЛИГ ҚОНИМДИН ЭЛ.



Кимки, бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлағай,
Онча борким, каъба вайрон бўлса обод айлағай...

ТУН. Ташқарида гупиллаб қор ёяпти. Сокин хона. Кунгил осмондан айлана-айлана келиб аста ерга қунаётган қор парчасидай тоза. Ҳазратнинг лутфлари қалбимга куйилади. **Навоий мутолааси...** инсон учун Навоий ила тиллашмоқдан ҳам улуг бахт борми? Ҳар гал Ҳазрат девонларини қулга олар эканман, вужудимни имтиҳон топшириш арафасида турган талаба янглиг ҳаяжон қамраб олади. Зеро, Ҳазрат тилидан кучган илоҳий сўзларга ошно бўлиш, сержило туйгулар, эҳтиросларни ҳис этиш, ақл ва қалбни буткул Ҳазрат ихтиёрига топшириб, Қарболо даштидаги Мажнун каби Навоий бустонида кезиш бахти на-сиб этган дил нечун титрамасин?..

Навоийни ўқимоқ, англамоқ, ҳис этмоқ... Бу тубсиз **новий денгиз** мавжларида чексиз сузмоққа ўхшайди.

Бу шундай денгизки, ундаги ҳар бир чиганоқда мислсиз гавҳарлар порлайди. Бу уммонга бир шўнгиган одамнинг қайтиб чиқа олиши ма-

Одам авлодида камдир одамлиг шеваеси,
Одам эрмас буки майли одамийзот айлағай.
Халқимиз 500 йилки навоийхонлик қилади. Нафақат икки дарё ораллиги, балки ярим дунё ярим минг йил-

ўқимоқ, уни тушунмоқ... Бу ҳар бир одам учун ўзига хос **имтиҳондир.**

Кимдир Достоевский ҳақида айтган фикрни мен тулиғича Ҳазратга ҳам муносиб деб биламан, яъни мен инсониятни учга бўламан: биринчи тоифа — Навоийни ўқиганлар, иккинчи тоифа — уни ўқимаганлар, аммо албатта, ўқийдиганлар, учинчи тоифа эса — Навоийни ҳеч қачон ўқимаган ва ҳеч қачон ўқимайдиганлар! Ана шу учинчи тоифа эса инсониятнинг қуйқаси ҳисобланади.

Айтиладики, асрлар Вақт имтиҳонидан ўтажаклар. Ҳазрат Навоий эса аксинча, вақтни уз имтиҳонларидан ўтказадилар. Асрлар ўтаверади, авлодлар алмашаверади. Бироқ Навоийни ўқийдиганлар ва ўқимайдиганлар бўлаверади. Улугвор Помир янглиг мангу бўлган Ҳазрат асарлари эса авлодларни уз имтиҳонидан ўтказаверади.

Алишер ИБОДИНОВ.

АЛИШЕР НАВОИЙ

ЮЗИНГ ВИСОЛИФА ЕТСУН... ҒАЗАЛЛАР

Кўзинг не бало қора бўлтур
Ким, жонга қора бало бўлтур.

Мажмуи давони дард қилди
Дардинги, манга даво бўлтур.

Ишқ ичра анинг фидоси юз жон
Ҳар жонки, санга фидо бўлтур.

Бегона бўлтур ошнодин
Бегонага ошно бўлтур.

То қилди юзунг ҳавоси жоним,
Юз сари анга ҳаво бўлтур.

Боқий топар улки, бўлди фоний,
Рахравга бақо фано бўлтур.

То тузди Навоий ояти ишқ,
Ишқ аҳли аро наво бўлтур.

Қаро кўзум келу мардумлуғ эмди фан қилғил,
Кўзум қаросида мардум келиб ватан қилғил.

Юзинг гулига кўнгул равзасин яса гулшан,
Қадинг ниҳолига жон гулшанин чаман қилғил.

Таковаринга бағир қонидан ҳино боғла,
Итинга ғамзада жон риштасин расан қилғил.

Фироқ тоғида топилса туфроғим, эй чарх,
Ҳамир этиб яна ул тоғда кўҳкан қилғил.

Юзинг висолига етсун, десанг, кўнгуллари,
Сочингни боштин-аёғ чин ила шикан қилғил.

Ҳазон сипоҳига, эй боғбон, эмас моний,
Бу боғ томида гар игнадин тикан қилғил.

Юзида терни кўруб ўлсам, эй рафик, мени
Гулоб ила юву гул баргидин кафан қилғил.

Навоий анжумани шавк жон аро тузсанг,
Анинг бошоглиғ ўқин шамъи анжуман қилғил.

Юзунг ғамидин эрур абри навбахор кўзум,
Не айб, ер юзини қилса лозадор кўзум.

Саводу қони била бир ғариб лола эрур
Ки, лозадор баса қилди ошкор кўзум.

Не қони лола эрур, не саводи доғи анинг
Ки, қўйди ҳажр ўтидин доғи интизор кўзум.

Агарчи қилди мени хору зор кўнгулму бас
Валек айлади кўнгулмини хору зор кўзум.

Не қону баҳр экинким, лабу тишинг ғамидин
Гулу суманга қилур лаълу дур нисор кўзум.

Буқим қорарди чу тардоман эрдио ғаммоз
Фироқ шомидадур тийрарўзгор кўзум.

Навоий, айла назар таркини деманг, чунким
Мен ихтиёр этибон, қилмас ихтиёр кўзум.

Тириг юрур мену бор мендин айру жоним,
Бу умр бирла юруб ўлмаган менин жоним.

Бағирда юз халаву, ваҳ, демакка йўқ захрам,
Кўнгулда қон тўлаву йўқ дам урмоқ имконим.

Не бир аниски, аритса лойайи ашким,
Не бир рафиқки, англаса доғи пинхоним.

Кўруб қошида муҳиблари жамъу мен мардуд,
Мунгайибон бузулур хотири паршоним.

Кўнгул худ иттию жон ҳамдами бўла олман
Бир-икки лаҳзаки, бор ул заиф меҳмоним.

Азимат эткали ул ганжи ҳусн андоқдур
Ки, чузғ ор қилур кўрса эмди вайроним.

Навоий, бу наволарки кеча тортармен,
Зухал эшиттуру хурийд эшитмас афғоним.

Санжар СОДИҚ

ҲАЗРАТ ИМТИҲОНИ

/Бадиа/

ҳол. Бу шундай салтанатки, ярим минг йилдан буён уз бағрига фақат асирлар олади. Бу мамлакат бустонларига бир қарра қадам ранжида қилган одам сўнгги нафасигача ҳам уни тарк этмайди.

Қаранг, бир кўнглин шод айлаш, Каъбани тузатиш ила тенг дега айтган Ҳазрат яна айтиди:

ки навоийхон. Адриатика денгизи соҳилларидан буюқ Хитой деворигача бўлган чексиз маконнинг фозилари уларни Навоий мутолаасидан ўзга тасаввур эта олмайдилар. Навоийни ўқимаган, унинг ҳикматларидан баҳраманд бўлмаган туркийзабон одам бормикин? Уни ўқиш инсон руҳини поклайди. Қалбга эзгу туйгулар силсиласини оқизади. Уни

Асримизнинг 60-80 йилларида Иззат Султон, Ҳамид Сулаймон, Абдуқодир Ҳайитметов, Азиз Қаюмов, Натан Маллаев сингари адабиётшунослар улуг ўзбек шоири Алишер Навоий ижодини ўрганиш соҳасида анчагина жиддий ишлар қилдилар. Уларнинг қатор китобларида Навоий ижоди уша давр нуқтаи назаридан маълум даражада таҳлил қилинди. Улуг санъаткор истеъдоднинг, маҳоратининг, фалсафий олами-нинг айрим қирралари юзага чиқарилган эди.

Улардан кейин буюқ шоир асарларини янгича талқин қиладиган, ўқувчи эсида сақла-ниб қоладиган китоблар қамайиб кетди. Энди, аниқроғи, 1992 йилда гуё шу жимликни, сокинликни бузиб, адабиётшунос Султонмурод Олимнинг «Ишқ, ошқ ва машуқ» номли китоби пайдо бўлди. Бу китоб Навоий ижоди ҳақидаги илгариги кўп қарашлар ва тасаввурлар энди эскирганидан, ҳозир уни қайтадан ўқиш, янгича ид-рок этиш ҳамда талқин қилиш зарурлигидан далолат беради.

Илгари адабиётшуносликда шоир ўзининг туркий тилдаги асарларини «Навоий», форс-тожик тилидагиларни «Фоний» тахаллуси билан ёзганлиги ҳақида узил-кесил хулоса ҳужрон эди. Султонмурод китобиде: «Лисон ут-тайр» «Навоий» эмас, «Фоний» тахаллуси билан битилган», — деган фикрни илгари суради ва юқоридаги хулосани шубҳали қилиб қўяди. Албатта, айрим адабиётшунослар, хусусан, Е. Бертельс, В. Зоҳидов, С. Ганиева каби навоийшунослар дostonнинг «Фоний» тахаллуси билан ёзилганлигини йул-йўлақай қайд қилиб ўтганлар. Лекин уларнинг ҳеч бири юқоридаги хулосага шак келтиришни ҳам ўйлаб ўтирмаган. Мазкур хулосани шубҳа остига олар экан, Султонмурод, энг муҳими, «Лисон ут-тайр»ни Алишер Навоий «Фоний»дан бошқа тахаллус билан ёзиши мумкин эмаслигини исботлайди. Дostonда мазкур тахаллуснинг қўлланиши табиийлиги муаллифнинг аниқлашича, асарда «Фоний», «фано» ва «бақо» сузлари кўп маънода ишлатилганлиги билан белгиланади.

«Фоний», «фано», «бақо» сузларининг маъно товланишларини муфассал ёритиш Султонмуродга китобдаги «Ер йўлида фано ва фонийлик» деб номланган биринчи мақолада Навоий дostonнинг моҳияти ҳақида қўйидаги янгича қарашни илгари суриш имконини беради: «Лисон ут-тайр», таъбир жоиз бўлса, ана шу фанога етиш йўллари шарҳланган ўзига хос бир бадий «рисола». Чунки фано ва фоний тушунчалари талқини бутун дostonни тизма бир занжирдек тутаб туради».

Китоб ана шундай жиддий умумлашмаларга бой бир неча мақоладан иборат бўлиб, уларнинг барчаси «Лисон ут-тайр» дostonининг турли қирраларини ёритиши билан узвий боғланиб кетади. Мураккаб илмий хулосалар ёки умумлашмалар исботига бўйсундирилган бўлса-да, бу мақола-лар энгил ўқиладиган, оммабоп услубда ёзилган. Балки шунинг учун бўлса керак, китобхон улардан кўп янгиликларни билиб олгани ҳолда, айрим уринларда нимадан-

дир кўнгли тўлмаганлигини пайқайди. Масалан, тасаввуф йўлининг босқичлари ҳақидаги маълумотлар китобхонни қониқтирмайдигандек қуринади. Бунинг сабаби шундаки, ҳозиргача эълон қилинган кўп мақола-ларда тасаввуф йўлининг шарият, тарихат, маърифат ва ҳақиқат сингари турт босқичи курсатилган бўлиб, Султонмурод маърифат босқичини тилга ҳам олмаётди. Балки олим буни атайлаб ёки нимагадир асосланган ҳолда қилгандир? Балки мана шу асослар юзага чиқарилганда, китобхоннинг тасаввуф ҳақидаги маълумоти тулиқроқ ва мукамалроқ бўлармиди?

Китобда бунга асослашнинг имкониятлари кўп эди. Султонмурод муайян қарашни илгари сураб экан, уни асослаш учун дostonдан парчалар, илмий асарлардан далиллар, ҳикоятлар ва ҳатто хотиралар келтиради. Чу-

лиги тўғрисида фикрни навоийшуносликда биринчи марта асосли равишда исботлаш билан Султонмурод гуё юқоридаги қарашнинг нотўғрилигига ҳам ишора қилгандек бўлади.

«Ишқий дoston» мақоласида илоҳий муҳаббат билан бир қаторда «Лисон ут-тайр» асарида ишқий мажозий ва унинг жилвалари, яъни турли қуринилар яққол намоён бўлиши ҳам ҳар хил йўллар билан ишонарли ҳамда таъсирчан шаклда исботланади. Чунончи, мақолада илм ҳам ишқ эканлиги, эркаклар уртасида ҳам самимий, яъни ҳар қандай уртасизликдан холи муҳаббат бўлиши мумкинлиги дostonдан олинган далиллар ёрдамида юзага чиқарилган. Айниқса, эркаклар уртасидаги муҳаббатни курсатиш мақсадида дostonдаги Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг уз хизматкори Аёзга бўлган ишқий ҳақидаги ривоят жуда қизиқарли ҳикоя

отининг тахаллуси «вайсаш» сўзидан олинмаганлигини жуда уринли таъкидлаган ҳолда Султонмурод унинг тахаллуси келиб чиқшини изоҳлаш йўли билан тасаввуф таълимотининг таъсири XIX аср ўзбек адабиётида ҳам кучли бўлганлигини исботлайди. Унинг шу каби фикрлар ва кузатишларидан китобхонлар, аниқроғи, адабиётшунослар яна кўп умумлашмалар чиқариши мумкиндек туюлади. Чунончи, тасаввуф таълимотининг таъсири узоқ вақт кучли бўлганлигини йўлар эканмиз, Жаҳон отин даврида, яъни XIX аср урталарида ҳам адабиётимизда илоҳий муҳаббат талқини етакчилик қилганлигига иқдор бўламиз. Шеъримизга шу нуқтаи назардан нигоҳ ташласак унга чинакам ердгаи гузал маҳбуба тасвири XIX асрда секин кира бошланганлигини англаймиз. Ҳар ҳолда Муқимийнинг:

Ақлу хуш учди бошимдан, эй пари,
девонаман,
Бир иложи қил эл ичра бўлмайн
афсонаман,

— деб бошланувчи Адолатхонга бағишланган ғазали шундай ғувоҳлик берса керак? XIX аср иккинчи ярмида адабиётимизга замандаги гузал тасвири қийинчилик билан кириб кела бошлаганлигини Фурқатнинг:

Ул қаро кўз қўзларига сурма бежо тортадур,
Балки андин даҳр эли ортиқча гавго
тортадур.

Қошларинг остива гуё икки фаттон
қўзларинг

Икки ҳинду бачалек ёндошиб ё тортадур, — деб бошланувчи ғазали ҳам тасдиқласа керак? Демак, фақат шундай асарлар яратилган пайтда адабиётда дунёвийлик томон дастлабки тетапоқ қадамлар қўйилди. Бу мулоҳазалардан яна бир жиддий хулоса келиб чиқади дегандек туюлади. Бу хулоса шундан иборатки, то XX асрга қадар тўла маънодаги ўзбек дунёвий адабиёти шаклланмаган. Демак, узоқ вақт давомида Навоий асарини давр адабиёти «дунёвий адабиёт» деб аталиб келганлиги мултоқ нотўғри ва асоссиз бўлган. Ҳақиқий ўзбек дунёвий адабиёти юқоридаги далиллардан аён бўлишича, XX асрда майдонга келган.

Шу нарса шубҳасизки, бундай хулосаларни китобда муаллифнинг ўзи ҳам чиқариши мумкин эди ва улар асарнинг илмий салмоғини анча оширган бўларди. Демак, Султонмурод китобда «Лисон ут-тайр» дostonни таҳлилини умумлаштириш ва аён қилиш турган хулосалар чиқариш имкониятидан тулиқ фойдаланмагандек туюлади.

Бундан қатъи назар бадий асарнинг теран таҳлилига асосланганлиги, янги қарашларга, кузатишларга ва умумлашмаларга бойлиги, ширали ҳамда оммабоп услубда ёзилганлигини, ўқувчини ўйлашга, фикрлашга ундаши сабабли Султонмурод Олимнинг «Ишқ, ошқ ва машуқ» номли китоби бизнинг Навоий ижоди, шунингдек, кўп асрлик ўзбек мумтоз адабиёти ҳақидаги тасаввурларимизни бениҳоя ўзгарилади ва мураккаблаштиради. Шуларга қўра бу китоб навоийшунослигимизни бойитувчи асарлар қаторидан урин олади.

Санжар СОДИҚ

Мутолаа

НАВОИЙНИ ТУШУНИШ

нончи, тасаввуф таълимотининг мураккаблигини оммабоп йўсинда курсатиш учун у Иззат Султоннинг докторлик диссертацияси учун мавзу танлаш ҳақидаги қизиқарли хотираларини келтириб, унинг воситасида Э. Э. Бертельснинг: «Тасаввуфни ўрганишга юз йил керак» — деган сўзларини жонлантиради. Худди шунга ўхшаш таъсирчан воситалар ёрдамида тасаввуфнинг босқичи четлаб ўтилиши сабаблари ёритилганда, китобхонни ишонтириш қуввати янада ортган бўлур эди.

Янгиликка интилиш китобдаги иккинчи мақолада, «Лисон ут-тайр» дostonининг жанр хусусиятини белгилашда янада яққолроқ сезилади. Шу пайтга қадар «Лисон ут-тайр», асосан, фалсафий дoston деб қараб келинар эди. Султонмурод балки биринчи бўлиб, асарнинг жанр хусусиятини «ишқий дoston» деб белгилайди ва бунга асослашда, энг аввало, Алишер Навоийнинг:

Бир неча қуш умрдан топсам амон,
Шарҳи ишқим назм этай бир дoston, — деган сўзларига таянади. «Лисон ут-тайр»ни муаллиф матнига суянган ҳолда «ишқий дoston» деб атар экан, ишқ деганда, эркак билан аёл уртасидаги муҳаббатни тушунмайди. Бу масалада муаллиф фақат бир дoston учун эмас, балки Навоийнинг деярли бутун ижоди учун эътиборли бўлган муҳим фикрни илгари суради. Бир вақтлар Навоий лирикасида қуйланган ишқ Оллоҳга муҳаббат эканлиги ҳақидаги фикр айрим адабиётшунослар, хусусан машхур олим Л. Климович томонидан айтилган. Лекин, унга қаттиқ танбеҳ берилган эди. Бу воқеа 40-йилларнинг охирида руй берган эди. Ушандан бери адабиётшунослигимизда: «Навоий уз лирикасида йигитнинг ердгаи гузал қизга бўлган реал муҳаббатини қуйлаган», — деган нотўғри қараш ҳужрон бўлиб қолган эди. Оллоҳга бўлган муҳаббатини маҳд этиш мақсади «Лисон ут-тайр»га ҳам тааллуқли экан-

қилинган.

Дастлабки мақола-лардаги фазилатларни узида мужассамлаштирган ҳолда китобдаги «Қақнус» деб аталувчи сўнгги мақола улардан ифодали тафаккурнинг теранлиги билан ажралаб туради. Бунга Султонмурод Навоий дostonининг узидаган образ олиш, яъни қақнус қуши ҳақидаги ривоятдан моҳирона фойдаланиш орқали эришади. Эркин образ воситасида муаллиф навоийшуносликдаги ниҳоятда мураккаб илмий, масалан, яъни «Лисон ут-тайр» вужудга келишидаги аънавийлик муаммосини ўзига хос тарзда ёритади. Қизғин шундаки, Султонмурод мақолада «аънаво» сўзини бирон марта ҳам тилга олмайдди. Фақат у қақнус ёниб кетганидан кейин қулидан қушнинг болалари униб чиқшини ҳикоя қила туриб, «Аттор — ота, Фоний — ўғил», — деган жумлани ишлатади. Дoston матнидан тўғилган бу жумла тасаввуф таълимоти адабиётимизда нақадар чуқур из ва асрлар оша давом этадиган аънавога қолдирганлигини тасаввур қилишимизга имкон беради, чунки Навоий худди қақнус боласидек наво қилиб «Лисон ут-тайр»ни бунёд этган бўлса, унинг маънавий салафи Фаридиддин Аттор машхур Мансур Халлождан руҳ олиб, «Мантқиқ ут-тайр»ни яратган.

Мақоладан аён бўлишича, тасаввуф таълимотининг адабиётимизга таъсири Навоийдан кейин ҳам яна бир неча аср давом этган. Китобда айнан шундай хулоса йўқ. Бундай хулосани Султонмурод воситали тарзда чиқаргандек бўлади. Мазкур хулосага бизни ишонтириш учун у адабиётшунослигимизга «Увайсий» тушунчасини олиб қиради. Тасаввуф таълимотига қўра буюқ зотларнинг руҳи бир неча аср кейин ҳам айрим шахсларни тарбиялаши мумкин. Улуг зотлар руҳидан тарбия олган худди шу шахслар «Увайсий» деб аталган. Худди шундай тахаллусли шоира Жаҳон отин эса XIX асрда яшаган. Жаҳон

Санъат

КўНГЛИДА ҒАРОЙИБ ДУНЁЛАР ЯШАР

Маҳмуджон Мухамедовдан сўз сирлари ва мақом йўллари кўп билан ўрганиди.

Мана, ун олти йилдирки, Аҳмаджон Узбекистон телерадиокомпанияси қошидаги Юнус Ражабий номли «Мақом» ансамблининг сoзанда-ғижжакчиси. Бу ижодий жамоа иктидорли саныткор учун катта тажриба мактабини утайпти. Ориф Алимаҳсумов, Орифхон Ҳотамов, Салоҳиддин Тухтасинов, Абдуҳошим Исмоилов, Исмоилов

жон ва Исроилжон Ваҳобовлар билан ҳамкорликда ижодий муҳит унинг саныткор сифатида шаклланишида гоят муҳим роль ўйнади.

Созанда 1987 йилда иккинчи республика ёш мақомчилар куриқталовида қатнашиб, «Бузуқ» мақомидан «Сорхабору бузуқ», «Муғулча бузуқ», «Муҳаммаси ушқоқ» қуйларини қойилмақом қилиб ижро этганда залда гулдурoс қарсақлар янгради. Ҳақамлар ҳайъати уни бир овоздан биринчи даражали диплом билан тақдирлади. Бу Аҳмаджоннинг қўла киритган дастлабки йирик муваффақияти эди.

Унинг хонанда сифатида изланишлар олиб бораётганини қувончли. Шунингдек, бастакорликда ҳам ун кучини синаб қўраётган бу йигитнинг қўнгида ғаройиб дунёлар яшапти. Ёлжак сеҳри, қўшиққа бўлган меҳр ва бастакорлик машаққатлари — ҳамма-ҳаммаси эзулдиққа хизмат қилаптир. Ана шу ерур ниятлар унга йўлдош бўлгуси.

Ортиқали ТИЛОВБЕРДИЕВ.

ЮБИЛЕЙ НУКУСДАН БОШЛАНДИ

Шу куллада Ўзбекистонда эмас, балки Марказий Осиёда тўнчиг олий ўқув юрти ҳисобланмиш Тошкент Давлат университетининг 75 йиллик юбилейига тайёргарлик ишлари қизғин давом этмоқда.

Катта тўй муносабати билан бошланган тадбирларда Тошкент Давлат университети ректори Тухтамурод Жураев, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Аскар Холмуродов, Ўзбекистон халқ шоирлари Абдулла Орипов, Мухаммад Али ва бошқалар Ўзбекистон Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон бўлимида, Бердах номидаги Қорақалпоқ давлат университети ва Аҳинёз номи Нўқос Давлат педагогика институтига ўтказилган урдушуларда қатнашдилар.

Шу куни санъат саройида юбилей тантаналарига бағишланган йилгилиш бўлди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси раиси Уббониев Аширбеков йилгили қатнашчиларини, меҳмонларни университетнинг 75 йиллик тўйи билан чин қалбдан табриқлади.

Рейнбой ЕШИМБЕТОВ.

Хаёт чорраҳалари

Ҳилола 20 ёшда. Бу инсон умрининг энг гуллаган фасли. Бироқ у кейинги бир ойдан кўпроқ вақт мобайнида руҳан юз бор ўлиб, юз бор тирилди. Ёвуз ажал уни ўлим қомига тортиб кетишига бир баҳа қолди. Ҳаёт ва ўлим ўртасидаги олишувда, хайрият тиббиёт ходимларининг қўли балинд келди. Ҳилола ёвуз ажал исканжасидан қутқариб қолди.

Хун, Ҳилола ажал билан юзма-юз бўлмастми, бундай қора кунларни бошдан кечирмаслиги мумкинми? Сабаби нимада? Асосий сабаби — қайсарлик! Фақат унинг қайсарлигими? Йўқ, албатта. Қайнона, келин қайсарлиги ва бошқаларнинг лоқайдлиги оқибати бу.

Келин, яхшиси воқеани бир бошдан ҳикоя қилайлик.

Ҳилола «Янги турмуш» жамоа ҳужалигининг Маҳалла қишлоғида Икром Раҳимовлар хонадонига ушиб-улғайган 8 фарзанднинг энг кенжаси. У қўшни Туркун қишлоғига — Авез Ҳусеновлар хонадонига қалдириб келин бўлиб тушди. Турмуш уртоғи Азимжон билан фарзанд кута бошладди. Қишлоқ амбулаториясида Ҳилоланинг ҳомилдорлиги ҳисобга олинди. Акушер-гинеколог Шойра Сафарова ва доя Ашуря Саломовлар бир неча марта еш келинчак ҳамда унинг қайнонаси Зайнаб Ҳусенова билан суҳбат утказишди. Ҳилолага куз ёришдан олдин доволанишга маслаҳат беришди. Келинчаки ҳоми-

ладор беморларни доволаш бўлимига етказишди. Бироқ у бу ердан...қочиб кетди. У ва унинг қайнонаси билан утказилган қайта-қайта мулоқот фойда бермади. Улар қўрслик (аслида нодонлик) қилишди.

ҚИММАТГА ТУШГАН ҚАЙСАРЛИК

Бунинг оқибати нима билан туташини уйлашмади.

Ҳилола ентил бўлишининг кун-соати яқинлашди. Кузига дунё қоронғулаша бошладди. Ночор қолган қайнона билан келин тезда тиббиёт ходимларига мурожаат қилишга мажбур бўлишди. Машина топиб, туман марказий касалхонасига олиб келишди. Беморнинг аҳоли оғир эди. Танасининг ҳамма жойида пиш пайдо бўлган, қон босими балинд. Қон таркибидеги гемоглабин миқдори икки баробар камайиб кетган. Шу аҳолда унинг қуви ёриди — қизалоқ дунёга келди. Аммо онанинг қон босими кутарилиб, экамлация хуружи бошланди. Беморга уйку ва бошқа дорилар ичирилди. У реанимация бўлимига кучирилди. Сунъий нафас

берилди. Беморнинг аҳоли тобора оғирлашиб бораётганига учун вилоят марказидан мутахассислар — вилоят бош акушер-гинеколог К. Расулов, вилоятнинг ҳар иккала туғуруқхонаси бош ҳақимлари Н. Аҳмедова, Ю. Камолова, Бухоро Тиббиёт институти ректори, профессор А. Муминов ва бошқалар таклиф этилди, маслаҳатлашилди. Қайта-қайта текширишлардан сунг бемор сунъий нафасда этиш аҳтимоли борлиги учун унга

Тураева, Ф. Мухаммедовлар керакли дори-дармонлар беришди, муолажа тадбирларини қўришди. Бир ой давомида 70 хилдан ортик доридан фойдаланилди. Бу дорилар жуда камеб. Шунга қарамай, давлат нарҳида 7680 сумлик дори-дармон шу биргина беморга сарфланди. Бу дунёдаги ҳамма нарсани ҳам пулга қақиб бўлмайди. Инсоннинг соғлиги, асаби, унлаб кишиларнинг олтиндан қиммат умр лаҳзалари, азобу изтироблари, кўз ёшлари, аламуқинчлари,

маъсумгина табассум. Жажжигина қизига Ситора деб ном қўйишди. Қайнона-си Зайнаб опа билан учрашди. Кузлари жижка еш. Бу ҳам алама, укинч ва пушаймонлик ёшлари, ҳам беқияс қувонч ёшлари эди.

— Мен, — дейди Зайнаб опа, — нодонлик қилдим. Нега духтирларнинг гапига, маслаҳатига қулоқ солмадим? Энди минг-минг пушаймонман. Ахир бунодонлик, бу қайсарлик шунча қора кунларни бошимизга солишини билмаганим, тушунганимда ҳеч вақт, ҳеч қачон духтирларга қарши борманг буларим. Худоба шукрки, уларнинг ёрдами, қўнчаклиги, уйқусиз тунлари эвазига келиним тирик қолди. Энди менинг ҳамма-ҳамма қайнона-келиндарга, ҳомилдор аёлларга, умуман беморларга айтаядиган гапим битта: духтирлар маслаҳатига қулоқ солинг. Гафлат ва худбинлик қўзингизни қур, қўлогингизни қар қилмасин. Бошқаларнинг келиним Ҳилола ва бизнинг аҳолимизга тушини асло-асло истамаймиз.

Қаранг-а, инсон табиати қизик. То пешонаси деворга тегмагунча қузи очилмайди. Биз юқорида ҳикоя қилган воқеа ҳам шуну исботлайди.

Бахшулла РАЖАБ, Бухоро тумани.

Ранг-баранг олам

ТАЙСОН — МУСУЛМОН

Мухлислар бокс буйича соҳибжаҳон чемпиони Майкл Тайсоннинг тақдирини билан қизиқадилар. Маълумки, у 2,5 йил аввал зурланганда айбаниб қамоққа олинган эди. Машҳур боксчи озодликка чиққач яна узини курсатармикан? Бу йил 6 йиллик қамок муддатининг ярми май ойига бориб уталган ҳисобланади. Зеро, Майкл шундай дейди: «қамокдан чиққан ҳамоноқ яна рингга кутарилиб, галаба нашидасини суршига ҳаракат қиламан. Боиси қамокхонада қўп ўқишга ва машқ бажаришга ҳаракат қилмоқдаман. Чунки, бу бекорчиликдан кутулишнинг бирдан-бир йули шу. Сахар соат туртларда туриб китоб ўқийман, кейин ибодат қиламан. Соат 8 дан бошлаб машқларга киришаман. Кен соат 11 лардан ошганда ташқарига чиқаман ва яна машқ қиламан. Тушликдан кейингина баъзида кино қўришим мумкин». Тайсоннинг бу даврида ислом динини қабул қилиб «мусулмон бўлганини эслатиш жоиз. «Ҳозир мен 5 маҳал намоз ўқиб, Аллоҳдан мафхират сурамоқдаман», — дейди боксчи.

ГИТЛЕРНИНГ МАЪШУКАЛАРИ

Халқ ўртасида Адольф Гитлерда бесоқолбозликка ҳослик кўпроқ бўлган, деган гаплар юради. Ҳақиқатда у қимларга уйланган, маъшукалари бўлганими? Маълумотларга қараганда унинг маъшукалари орасида 20 ёшли кино юлдузи Рената Мюллер бўлган экан. Афсуски бу хоним фашистлар даҳосининг эркакча табиғатиға мос тушолмай, узини ююрти қаватдан ташлаб қўя қолган экан. Иккинчиси — инглиз ююрти Митфорд эса узини отмоқчи бўлганда аёллигиға бориб, ўқ билан бош миёсини шиқастлаган экан. Шу билан у ақли ноорто ҳолатда 9 йил яшаган. Гитлернинг учинчи «дугнаси» Нозия Липгтауз бўлса Адольф билан бўлган биринчи кечадан кейинққ узини ослан. Туртинчиси Мария Рейтер ҳам ҳаётдан қў юммоқчи бўлган. Лекин у қийналмасин деб гестапо унга «қумаклашган», деган фикр бор. Ҳақиқатдан ҳам уз замонасининг биринчи ракамли нацистнинг шарманда бўлишиға йўл қўйиб бўлардики. Айни пайтда гестапочилар Фюрернинг намойишлар майдонида икки қулини олдиға қўлиб туришини қўрганлариде: «Олампаноҳими эси учинчи Рейхнинг ишқис қолган сунги аъзосини сақламоқда», дейишаркан. Адольфнинг ҳезалаклиги ҳақидаги гап-сузлар ана шулардан иборат.

КЎЗНИ ЯШАНТУВЧИ ОЙНАК

Хитойлик табибачилар жаҳон ахлини хайратга солувчи антиқа дори-дармонлари билан эътибор топмоқдалар. Чунончи таниқли табиб Су Баоээн шундай хабдори уйлаб топдики, унинг ёрдамиде сунги синган киши жуда тез тўзалар экан. Пекиндаги «Тяньтань» касалхонасининг куз бўлими мудир Чжу Сюеминь эса пенсияға чиққач махсус кузойнак кашф этди. Бу кузойнакнинг сеҳри шундаки, беморлар тез кунда шабқурликдан даво топмоқдалар.


МАРКСНИНГ ЎҒЛИ БЎЛГАНМИ?

Йўқсуллар доҳийси Карл Маркснинг бир қанча қизлари бўлган, деган гаплар юради. У барон қизи Дженниға уйланган 7 та фарзанд қўрган. Унинг хотини узидан 4 вш катта бўлиб, фарзандлари асосан қизлар эди. Улардан 4 нафари болаликда-даёқ ҳаётдан қў юрган. Замонадошларининг таъкидлашиға қараганда, бу болалар фаросатли бўлган дейишди. Боиси кундан кимдир уз қарзини сураб келса, бир оғиздан «Жаноби Маркс уйда йўқлар» дейишаркан. Афсуски, яшаб қолган уч боладан иккиси кейинчалик узини узи улдирган экан. Маркс 33 ёшға кирганда соқолларини қўйиб юбориб, узига ҳос оловбардор шаклини олган эди. Афтидан у хонасида турадиган Куёш худоси Зевсға тақдир қилган бўлса, ажаб эмас. Бу орада Дженни эрини бевафолликда айблаб, уни хайдади. Ҳақиқатдан ҳам Маркс уйларида хизматларини утаб юрган Хейлен Демт билан дон олишиб қўйган экан. Деҳқон оиласидан бўлган бу хизматчи 1851 йили угил фарзанд қўриб, уни Генри деб атади. Албатта, Маркс бу воқеани эътироф этмади. Болани бошқа оила фарзандликка олди. Зеро, Маркс Генри билан 1882 йили рубару келган.

АДАБИЙ БОШҚОТИРМА

БЎЙИГА: 1. В. Яннинг тарихий бадий асари. 2. Е. Шукровнинг асарларидан бири. 3. Темурийлар авлодидан бўлиш адибнинг асари. 4. Ўзбек ҳақиқи ғазувичи. 5. Ўзбекистон халқ ғазувичи. 13. «Утган кунлар» романи қаҳрамони. 15. Ўзбекистон халқ шoirи. 16. Таниқли феълетончилардан бири. 22. Ўзбекистон халқ ғазувичи. 23. Ишқий саргузашт асарнинг номи. 24. «Кутлуг қон» романидаги образ. 25. К. Дойининг фантастик асари қаҳрамони. 28. «Утган кунлар» романидаги аёл образи. 29. А. Қодирий асарларидан бирида қаҳрамон номиға қўшиб айтулувчи атама. 32. Ўзбек романичилиги асосчиси.

ЭНИГА: 4. «Бой ила хизматчи» даги образлардан бири. 5. Ўзбекистон халқ шoirи. 6. Каттагон этилган ўзбек ғазувичилардан бири. 7. Ҳинд халқ достони. 10. «Занғори қўл» туллани муаллифи. 11. Абдулла Қодирий романларидан бирининг қаҳрамони. 12. Адабий жанр. 14. Гафур Гулом асарларидан биридаги образ. 17. Таниқли ўзбек ғазувичи. 18. Адабий жанр. 19. Ҳ. Олимжон поэмасидаги образлардан бири. 20. Навоий достонларидан бирининг



бош қаҳрамони. 21. Қўшиқчи шoir. 26. Ҳар бир асар охиридаги саҳифа номи. 27. Мабрифат маркази. 30. Ўзбекистон халқ ғазувичи. 31. Арбоб, шoir ва мусикашунос таҳаллуси. 33. «Темур тузуклари» даги хонлардан бири. 34. «Дегрез угли» романидаги образлардан бири. 35. Қўшиқчи шoir.

Бошқотирман Равшан АКРАМОВ тўзган.

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

Куппа-кундуз Мирзаёқубни шайтон йўлдан урди! Қўлидаги сумкага солинган наша ва бир булак героин (қора дори)ни пуллаш илжинди а юрди. У мижоз тополмай теварак-атрофға зир қўз югуртирар, иложи бўлса, бирор кимса билан тил топишиб, қўлидагини пулла-саю туёқни шиқиллатиб қол-са. Мабодо «моли» ҳаридор-гир чиқиб қолса, мижозига тағи мулглигини эслатиб қўй-са. Унинг ягона орзуси шу эди. Манови бир булак қора дори «қора» бозорда фалон пул. Эшитсанг, қар қулоқ очилиб кетади. Нима бўлганда иши юришсаю ундирганини липпаға қис-тириб, жуфтаникни ростласа.

Мирзаёқуб ширин хаёл оғушида маст. У ёнга қаради йўқ, бу ёнга қаради, мижоз йўқ, Нима қилсин! Йўлда бундоқ қорнини тўйги-зиб ҳам келмабди. Ичаклар тортилиб, пивзинг пусти-дек арчилапти. Ана, қора шапқали кимса. Уни имлаб чақирсам, ё худди касални қургандек олдиға бориб қў-логлиға шивирласам. Ёне-риға ҳам қарамайди ҳам-а.

Мирзаёқуб чуваланиб унга қўйналди. Бугилиб чақирди. У қайрилиб ҳам қарамади. Бундан аччиқланган Мирзаёқуб катта-катта одим ташлаб унинг тепасида пайдо бўлди. — Ҳов ука, бери кел, — гап қотди у. «Ука» унга бир зум ан-грайиб тиклиди-да танимаган-нидан сунг яна уз иши билан машғул бўлди. Бундан Мир-

Бозорға бориш эса олов билан уйнашиш билан тенгли-гини биларди. Шайтон васва-саси юрағидаги шубҳаларни ювиб юборди. Бугун эса шир-дин орзу йўли-да тентираб юрибди.

Шу пайт кимдир ёнгидан тортиди. Мирзаёқуб худди уйқудан тургандек сесканиб

ШАЙТОН ВАСВАСАСИ

завқубнинг зардаси қайнади, пешонаси ялтйраб гудранди. — Ёзнинг иссиғида сасиб, сенларға «моли» обекламану тагин бақираясан-а. Сўкинмоқчи эди, тилини тишлади. Биронтаси эшитса «копток» қилиши турган гап. У изига бурилиб кетмоқчи эди. Қўлидаги «моли»ни уйлаб хўшёр тортиди. Икки-уч минг ишлаб олса ёмонми? Ким бир тийин беради? Унинг хуноби ошди. Очқанлигини ҳам унутиб қўйди. Тайини йўқ мижоз-ларини ичиде буралаб-буралаб сукди. У кимдандир қора оғунинг баҳоси баланглигини эшитиб, туллари билан мижжа қоқ-майдиған одат чиқарди.

ортиға бурилди. Тўгрисида ик-ки нафар форма кийган ту-рарди. — Анчадан бери қузатаман, киминдир қидириб юрганға ухшайсиз? — деди капитан узини Эркин Тураев дея та-ништириб. — Узим шундоқ... — Дик учиб тушиди Мирзаёқуб. У гап-ни йўқотиб қўйганидан формадағилар хўшёр тор-тишди. — Шубҳали шахсға ух-шайсиз, қани, қўлингиздаги сумкани очиб қурсатинг-чи. У серрайиб қолди. Биров билан бировнинг иши йўқ. На-шангни хоҳлаганча пуллаб ке-лаверасан деб эшиттанди, ба-ри бекор гап экан-ку.

Мирзаёқуб жағ-тишини су-гириб олгандек илоҳисизлик-дан сумкадаги селлафонға уроглик наша ва бир булак героинни узатди. У қочиб бе-худа эканлигини тушунганди. Э. Ёрғашев раҳбарлиғидаги жиноят қидирув бўлинимаси бошлиғи, капитан Эркин Ту-раев ва катта тезкор вакил Владимир Утеповлар гуно-дорни биноға олиб кирди-ган. Nasha ва героин тарозиға

гил шабадада сокин чайқа-лади. Изқуварлар ҳовлидаги қўқнориларини қуриб лол қолдилар. Дарҳол уларни ҳисобга олишға киришиш-ди. 106 тул қўқнор устири-лаётган экан. Томи-чордо-ғидан ҳам анча наша талқо-ни топилди. Ҳайрон қола-сан. Бу хужаликка ҳам мав-зе вакили бириктирилгандир? Бундай кимсаларнинг оши-гини олчи қилиб қўйишда уларнинг ҳам айби бор. Тур-гирого, одамлар билан иш-лаш, оилаларда сўқбат ут-казишлар ҳалиям номиға экан-да.

Мирзаёқуб Усаровнинг «орзу»лари саробға айлан-ди. Топилган оғу йўқ қилинди. У инсон салома-тиги учун ута хавфли бўлган афюнни сотиш мақсадида юрганда қўлга тушди. Нима ҳам дейсиз. Nashaфуруш-нинг насибаси бошқа ерда! Уз оғи билан келган жи-ноятчи бу ерда тарбия то-пиб, қузи очилар энди. Қарши шаҳар халқ суди-нинг ҳукми шундай бўлди.

У. ҲАЙДАРОВ, Қашқарда вилоят ички ишлар бошқармаси матбуот гурӯҳининг нозир, милиция катта лейтенанти.

Спорт
ДОНА СУРИШ БОШЛАНДИ
Кеча Ҳиндистоннинг Сангинар шаҳрида шўхлат буйича жаҳон тожига даъвогарлар ўртасида яримфинал баҳслари бошланди. Мусобадада жаҳон чемпиони Анатолий Карпов, Борис Гельфанд (Белорус), Валерий Савос (Россия) ҳамда Гат Камский (АҚШ) каби даъвогарлар иштирок этиши мумкин. Қондага қўра 10 партия ўйналади. 8, 11, 14, 17, 19 ва 21 февраль кунлари дам олинди ёки кечиктирилган ўйинлар низоҳи-сига етказилди. Ҳар жуфтликдан қайси бири олдинроқ 5:5 очко тўпласа ғолиб сана-лади. Уйин охирида очколар тенглашиб қол-са, 22 ёки 23 февралда томонлар яна икки бор узаро дона сурадилар. Шунда ҳам ора очқ бўлмаса, яна шунчадан ўйнашға руқ-сат берилади. Шунда ҳам бўлмаса ғолиб қўра ташлаш орқали аниқланади. 24 фе-враль кўни мусобаканинг танталли ёпили-ши бўлади. «Санги» фирмаси жами 500 миң АҚШ долларни ахратган. Шундан ғо-либ 156.250, мағлуба эса 93.750 доллар-дан олиши кўзда тутилган.

Мўъжиза бу, мўъжиза! Солиқ МАҲКАМОВ сурат лавҳаси.

Билиб қўйган яхши УЙҚУ ҚОЧГАНДА

Муборак Рамазон ойи давом этмоқда. Зеро, рўза тутган ва тутмаганликдан қатъи назар уйқусизликка дучор бўлган киши-лар топилади. Шу боис, қуйида мириқиб ухлашнинг баъзи йўллари ҳақидаги тав-сияларни эътиборингизға ҳавола этмоқ-чимиз. 1. Ётишдан олдин тўйиб овқат ейиш ярамайди. Чунки бу билан тана зури-қиб, ҳазм қийналиб, қон айланishi бу-зилади. 2. Тарки одат амри маҳол, деганла-ридек кечки соатларда ичкиликка ружу қуювчилар ҳам уйқусизликдан қийна-ладилар. Боиси ичиб ётган одам зум ўтмай қаттиқ уйқуга кетгани билан бир неча соатдан кейин уйғониб, қузини мошдек очиб ётаверади. Сабаби ички-ликни сингизи мобайнида кишини қў-зғатувчи моддалар юзаға келиб, асаб-ни қўзғайди. 3. Ётиш олдида илиқ сувли ванна қабул қилиш ёки душда чўмилиш фойдалидир. 4. Уйқу урининг қандай тўзалганиға ҳам боғлиқ. Умримизнинг 3/1 қисми шу уринда утишини инобатға олайлик. Табиий матолардан тайёрланган ту-шақларда ётилгани маъкул. Айниқса,

урин-қўрпаларни ута юмшоқ бўлиши зар-рарли бўлиб, умуртқа поғоналарининг созлиғиға пугур етказиши мумкин экан. 5. Каравотингизни энг тинч жойға жойлаштиринг. Иложи бўлса кўча ҳа-ракатидан келадиган товушлар ҳам эши-тилмайдиған бўлсин. 6. Уйқу олдида хонани шамоллатиш лозим. Чунки илиқ, лекин беҳаво хонада тиникиб ухлаш қийин кечада. Уйқу хо-нада ҳарорат 15 — 16 даража бўлса, кифоя қилади. 7. Ётишдан олдин бир стакан доривор гиёҳлардан тайёрланган чой ичиш фойда-ли. Чунончи, ялпиз ёки лимонўт яхши наф беради. 8. Агар чойни хуш қўрмасангиз, бир стакан асалли сут ичса ҳам бўлади. 9. Уйқунинг мароми ёшға қараб: кекса-лар камроқ, ёшлар кўпроқ ухлаши ло-зим. 10. Кечаси безовта ётсангиз бу қонин-ғизда шакар моддасининг камайиб кет-ганлиғидан нишон. 11. Телевизорни уринда ётиб томоша қилиш зарарли. 12. Тиникиб ухлашнинг бирдан-бир йў-ли, имкони борича бир пайтда ётиб, бир пайтда уйғонишдир.

Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани ҳудудида фаолият қурсатаётган «Трактор» кичик корхонаси 1995 йил 10 февралдан уз фаолиятини тухтатади. Барча даъво ва аризалар 10 мартға қабул қилина-ди. Тел: 64-07-31.

НЕ. ИҶТ.Е. НАҲОМҚА?!
ЯСАМА ТИШЛИ ҚЎЙЛАР
ШОТЛАНДИЯДАГИ таъбирга ҳужажадан бирда бўлиш уи ишлар муқаддам аҳолий таъбирга утказилган. Ушунда лодан-нинг рентабиллигини ошириш мақсадида қўри қўйларға ясама тиш ўрнатилади. Маълумки, қўйлар тўрт ешга етгандак унинг тишлари озикланishi ярамай қолди. Шу ваядан улар-нинг метезий озикланishi даражаси пасасиди ва охири оқибат қўйнинг касалланishiга олиб ке-лади. Шотландиялик духтирлар томонидан тайёрланган ясама тишлар эса қўйлар умрини узайтишга салмоқли ҳисса қўшиди.
ИНСОН ОТДАН ТЕЗ ЧОПАДИ?
УЭЛЬСДА (Буюк Британия) ҳар йили анти-қа мусобақа ўтказилади, яъни қаваддоз билан шеша қилиш пойта ўйнайди. Улар босиб ўтади-ган масофа 22 миля (35 километрни) ташкил этади. Бу мусобадада ҳозирча қаваддоз ғолиб чиқ-моқда. Ахир бошқача бўлиш ҳам мумкин эмас. Бироқ шунга ишонилмай билан айташ керакки, улар ўртасидаги фарқ йилдан йилга қисқариб бормоқда. Масалан, бундан бир неча йил муқаддам ўтказилган пайта спортчи қаваддоздин 4 дақи-қа кейин маргага етиб келган. Демак, яқин вақт ичиде инсон чопқирликда оғдардан узаб кетса ажаб эмас!

«Оби ҳаёт» акциядорлик ин-вестиция компанияси жамоаси Хоразм «Оби ҳаёт» лойиҳа-қури-лиш ва фойдаланиш фирмаси директори Райимберган Абдука-римовға волидан муҳтарамаси ҲУЛОДА аянинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
Бош муҳаррир: Азим СУЮН
Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслидади БОЛИЕВ(масъл котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хайрулла ЖҲРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шўҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими - 33-76-04, 32-54-06. Кабулхона -- 33-65-45, 32-55-15.
РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР БЎЛИМИ тел: 33-38-55, 32-54-12.
ВИЛОЯТ МУХБИРАРИ: Самарқандда -- 35-22-90; Андижонда -- 5-27-11; Жиззахда -- 3-31-86; Ўшда -- 6-51-35; Бухорода -- 3-54-87; Навоийда -- 3-74-76; Қаршида -- 3-25-79; Тошкентда -- 32-26-70; Гулистонда -- 2-26-22; Наманганда -- 6-43-43; Қўмқўрғонда -- 5-26-24; Фарғонада -- 26-37-16.
Манзиллимиз: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.
Навбатчи муҳаррир Х. ИКРОМОВ, навбатчи М. ҚИЁМОВ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа кооперни босмахоноси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Босишға топшириш вақти -- 21.00. Топшириди -- 21.00. 1 2 3 4 5 6.